

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Туронбанк» АТБ  
Кенгаши қарори билан



Кенгаш раиси

Ж.Х.Каршибаев

2021 йил 27 август

М.Ў.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги



Вазир ўринбосари

О.Р.Исаков

№ 1490-2/16 >> сентябр 2021 йил

М.Ў.

## Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги Қ А Р О Р

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки

Берилган идентификация рақами:

R	U	1	2	B	P	0	4	9	B	R	6
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 700 (бир минг етти юз) сўм бўлган 465 000 000 400 (тўрт юз олти беш миллиард тўрт юз) сўмлик 273 529 412 (икки юз етмиш уч миллион беш юз йигирма тўққиз минг тўрт юз ўн икки) дона оддий акциялар.

Мазкур акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши XXVI (йигирма олти) чиқарилишдир.

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг 2021 йил 27 августдаги К-58-сонли мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг 2021 йил 27 августдаги К-58-сонли мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй.

Тел.: 71-202-01-01, 71-244-92-75;

Электрон почта манзили: [info@turonbank.uz](mailto:info@turonbank.uz), расмий веб сайти: [www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz).

Бошқарув Раиси

Ч.С.Мирзаев

Бош бухгалтер в.в.б.

О.А.Алмурадов



\_\_\_\_\_ 2021 йил

<b>1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):</b>	Оддий
<b>2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:</b>	хужжатсиз
<b>3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):</b>	1 700 сўм
<b>4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):</b>	273 529 412 дона
<b>5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):</b>	465 000 000 400 сўм
<b>6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:</b>	

Банкнинг акцияларига эгалик қилиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26-27 ва бошқа моддаларда назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Банк акциядорлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банк акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда, ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Банк кўрсатадиган хизматлар ва уларнинг баҳоси ҳақида ахборот олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

**7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:**

Банкнинг овоз берувчи акциялар эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар.

Имтиёзли ҳуқунинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин, ушбу чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан чиқарилган акцияларнинг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):** 1 035 253 855 200,0 сўм

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):**

а) чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий сони, донада	608 972 856
б) чиқарилган қимматли қоғозларнинг тури ва уларнинг турлари бўйича сони:	
эгаси ёзилган оддий акциялар, дона	604 005 356
эгаси ёзилган имтиёзли акциялар, дона	4 967 500
в) чиқариш шакли:	хужжатсиз шаклда

## 10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 30 сентябрь куни P0855-сон билан рўйхатга олинган:

- |  |  |
|--|--|
| а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли               | -Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) фоизли облигациялар |
| б) чиқарилишдаги облигациялар сони                           | - 3 000 (Уч минг) дона   |
| в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм | - 1 000 000,0 (Бир миллион) сўм                                  |
| г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм   | - 3 000 000 000,0 (Уч миллиард) сўм                              |

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 27 ноябрдаги 15-07/186-сонли қарорига асосан, P0855-рақам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувига асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU301P0855R0) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

Банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2013 йил 26 апрель куни P0855-2 сон билан рўйхатга олинган:

- |  |   |
|--|---|
| а) чиқарилишдаги облигациялар сони ва шакли                  | - Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) фоизли облигациялар |
| б) чиқарилишдаги облигациялар                                | - 3 000 (Уч минг) дона  |
| в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм | - 1 000 000,0 (бир миллион) сўм                                   |
| г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм   | - 3 000 000 000,0 (уч миллиард) сўм                               |

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2018 йил 28 майдаги 15-07/023-сонли қарорига асосан, P0855-2-рақам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувига асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU302P0855R8) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

## 11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

### 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

Ушбу чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна йўли билан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади. Бунда, банкнинг овоз берувчи акциялар эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар.

### 11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.*

*Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)*

Ушбу чиқарилаётган акциялар кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир ой муддат ичида жойлаштирилади.

**Жойлаштиришни бошланиш санаси** - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқни амал қилиш муддати тўғрисидаги билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 11 (ўн биринчи) куни. Агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштиришни бошлаш санаси охириги ариза келиб тушган кундан бошлаб кейинги иш кунидан бошланади.

Агар жойлаштириш санаси дам олиш кунига тўғри келса, банкнинг ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун кейинги биринчи иш кунни жойлаштириш санаси ҳисобланади.

**Жойлаштиришни тугатиш санаси** – ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда.

### **11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:**

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириши амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириши эмитентга акцияларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охириги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)*

Ушбу чиқарилишдаги акциялар биржадан ташқари уюшмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битим тузиш орқали амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.

### **11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

Банк томонидан чиқарилган давлатга тегишли акциялар бўйича эгалик ҳуқуқларини ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси:

Манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107, 3-қават, телефон: 267-37-42, факс: 267-36-42, расмий веб-сайт: [www.deponet.uz](http://www.deponet.uz) электрон манзили: [info@deponet.uz](mailto:info@deponet.uz)

«Birinchі Banklararo Depozitariy» МЧЖ

Манзили: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси 15 уй, телефон: 233-29-07, факс: 233-06-52, расмий веб-сайт: [www.bbd.uz](http://www.bbd.uz) электрон манзили: [bbd\\_1@mail.ru](mailto:bbd_1@mail.ru)

«Kapital-Depozit» МЧЖ

Манзили: 100052, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Оккургон кўчаси 25 уй, телефон: 286-20-32, факс: 286-20-31, расмий веб-сайт: [kapdero.uz](http://kapdero.uz) электрон манзили: [info@kapdero.uz](mailto:info@kapdero.uz)

### **11.5 Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:**

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).*

Банк акцияларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар рўйхати Банк Кенгашининг 2021 йил 27 августдаги К-58-сонли қарорига асосан, 2021 йил 27 август ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларини чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган ўз акциядорларига акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда сотиб олиш таклифини билдиради.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кунни ташкил этади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатидан аввал жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

### **11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:**

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).*

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1700 сўмдан жойлаштирилади.

### **11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.).*

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштирилган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;  
баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва  
лицензиянинг амал қилиш мuddати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)*

Акциялар учун тўловлар пул маблағлари билан нақд ва нақдсиз шаклда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 36-моддасига асосан акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклда – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган тўловлар «Туронбанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармасидаги қуйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади:

Х/р: 2983 0000 2000 0044 6354, МФО 00446, СТИР 201 055 108;

Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4а уй.

Акциялар учун нақд шаклдаги тўловлар «Туронбанк» АТБнинг барча филиаллари томонидан қабул қилинади.

### **11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган, деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун тўланган пул маблағлари банк томонидан 10 (ўн) кун ичида акциядорларга тўлиқ қайтариб берилади.

### **12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:**

Банкнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли билан Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уйда жойлашган Бош банкда ҳамда нусхалари билан банкнинг барча филиалларида танишиш мумкин.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида ([openinfo.uz](http://openinfo.uz)), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) ҳамда «Туронбанк» АТБнинг расмий веб сайтида ([www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)) қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилади.

### **13. Бошқа маълумотлар:**

#### **Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:**

«Туронбанк» Акциядорлик тижорат банки

«Туронбанк» АТБ

«Turonbank» aksiyadorlik tijorat banki

«Turonbank» ATB

Акционерный коммерческий банк «Туронбанк»

АКБ «Туронбанк»

Joint-stock commercial bank «Turonbank»

JSCB «Turonbank»

Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси - 1990 йил 31 декабрь, 8-сон.

#### **Лицензия рақами:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 21 октябрда берилган 8-рақамли Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия.

Эмитентнинг асосий фаолият тури - банк фаолияти.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобрақами:**  
1030100000009011001

**Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли** – акциядорлик жамияти.

**Манзили:** Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй.

**Солиқ органининг номи ва СТИР коди:**

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР 201 055 108

Хос рақами (ОКПО) код 14825394

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури код 96120

МШТ бўйича мулкчилик шакли код 144

ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли код 1150

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами код 1726277

Бошқарув Раиси

Ч.С. Мирзаев

Бош бухгалтер в.в.б.

О.А. Алмурадов

Мухрланган рақамланган

8 варақда

